

Special Issue on "Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development"
Published in Aug-2021

Use of Economic Analysis as an Audit to Improve the Quality of Audit of Financial Results

Tojiboeva Shahnoza Anvarovna 1

Tashpulatova Gulbaxor Bahodirovna 2

Аннотация.

Мақолада корхоналарда молиявий натижалар түғрисидаги ҳисобот аудитида таҳлилий амаллардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Тадқиқотда келтирилган молиявий натижаларни омилли таҳлил қилиш усули корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, фойда кўрсаткичларини ошириш бўйича мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш орқали уларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Калит сўзлар: аудиторлик текшируви, молиявий ҳисобот, таҳлилий амаллар, молиявий натижа, ички хўжалик имкониятлари, самарадорлик, молиявий ҳолат, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил

1 Associate Professor of "Financial Analysis and Auditing" at TSU

2 Assistant of the Department of "Economic Security" at TSU

Кириш. Республикаизда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш, самарадорлигини оширишни тақозо этади. Самарадорлик хўжалик субъектлари фаолиятининг молиявий натижаларида ўз ифодасини топади. Молиявий натижалар корхона фаолиятининг барча томонларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, унинг микдорида маҳсулот ҳажми ва сифати, маҳсулот тури, таннарх даражаси ва бошқа бир қанча омиллар таъсир қиласди. Ўз ўрнида молиявий натижа корхонанинг ўз айланма маблағларига, тўлов қобилиятига таъсирини ўтказади. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб фойда ва рентабеллик даражаси ҳисобланади. Зеро, молиявий натижалар уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Молиявий натижалар даражасини ошириш имкониятларини аниқлаш корхона фаолиятининг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Буни фақатгина корхона фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил ва аудит қилиш асосида эришилади. Хўжалик субъектлари фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишида молиявий натижалар асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, уларни молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши олган фойдасининг тўғри шакллантирилиши билан алоқадордир. Шу сабабга кўра ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаси кўрсаткичларини ифодаловчи молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботи устидан доимий назорат олиб бориш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу вазифаларни бажариш учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот аудитини халқаро стандартлар талаби даражасида ташкил қилиш, молиявий ҳисбот маълумотларини таҳлил қилиш, хорижий давлатлар тажрибаси асосида аудит жараёнини такомиллаштириш зарурияти сезилмоқда. Бу эса, ўз навбатида тадқиқотни долзарб мавзуга бағишлиланганлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хўжалик субъектларида молиявий натижалар аудити ва таҳлили масалалари Республикаиз ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иқтисодчи олимларининг илмий ишларида кенг кўламда ўрганиб чиқилган. Мазкур тадқиқотларда молиявий натижалар аудити ва таҳлилининг умумметодологик асосларига таянган ҳолда айрим муаммолар, ташкилий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Хусусан, М.М.Тўлахўжаева [6], Ш.И.Илхомов [12], Шоалимов А.Х., Илхомов Ш.И., Тожибоева Ш.А [8], Л.В.Донцова [7], В. И. Подольский [11], М.Қ. Пардаев [9], А.Х.Шоалимов [5] томонидан айнан олинган корхонанинг молиявий натижалари аудити ва таҳлили масалалари кўриб чиқилган. Зеро, бу кўрсаткичларни корхоналар молиявий ҳолатига баҳо беришдаги аҳамияти, муҳимлигидан келиб чиқиб, уларни алоҳида ўрганиш ва тавсифлаш лозим. Тадқиқотлар кўрсатишича, молиявий натижаларнинг назарий муаммолари масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони унинг амалий жиҳатдан турли соҳаларга мос келиши ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлда қабул қилинган «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сон қарори [2] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1013-сон қарорини [3] қабул қилиниши ҳам хўжалик субъектларида аудит жараёнида иқтисодий таҳлил ўтказишни долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишида гурухлаш, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция, горизонтал, вертикал таҳлил усуллари қўлланилган. Хусусан, таққослаш усули корхона фаолиятини таҳлил қилишнинг энг асосий усули бўлиб, ундан молиявий натижалар таҳлилида ҳам фойдаланилади. Чунки таққослаш асосида баҳолаш учун қўлланиладиган ҳар бир кўрсаткич, ҳар бир рақам, назорат ва прогноз худди шундай кўрсаткич билан таққослагандагина аҳамиятли ҳисобланади. Таққослаш натижасида молиявий натижалар бўйича бизнес режанинг бажарилиши даражаси ва сифати, ўзгариши, салмоғи, ўсиш суръати аниқланади, молиявий натижаларни тизимли назорат қилиш ва ҳар томонлама баҳолаш имкони бўлади. Гурухлаш айниқса молиявий натижалар аудити ва таҳлилида кенг қўлланиладиган усул ҳисобланади. Чунки молиявий натижалар таркибини гурухлаш асосида уларнинг хусусиятлари, асосий жиҳатларини эътиборга олинган ҳолда таҳлил қилиш аудиторлик текширувлари сифатини ошишига имкон беради. Анализ ва синтез усуллари таҳлил натижаларини умумлаштиришда қўлланилади.

Таҳлил ва натижалар. Хўжалик субъектларида аудиторлик текшируви самарадорлигини оширишда иқтисодий таҳлилдан аудит воситаси сифатида фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин. Шу боисдан хўжалик субъектлари молиявий ҳисботларини аудиторлик текширувни сифатли ўтказишда таҳлилий амалиёт катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Таҳлилий амаллар аудитор учун аудитни ҳар томонлама сифатли ўтказишга имкон беради ва корхона фаолияти билан боғлиқ муаммоларни аниқлашда ҳамда шунга мос равища мижоз учун асосли таклифларни ишлаб чиқишига имкон яратади. Таҳлилий амалларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан усулларни тўғри танланишидан, кўрсаткичлар таркибини белгилашдан ва таҳлилни ўтказиш кетма-кетлигига боғлиқ. Шу билан бирга таҳлилий амаллардан катта камомадлар, харажат ва йўқотишлар, инвентаризация иши ва ички аудиторлик хизмати самарадорлигининг иқтисодий таҳлили учун фойдаланилиши мумкин.

Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида республикамиз корхоналари фаолияти натижаларини аудиторлик текширувlarидан ўтказиш, шунингдек молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот аудити сифатини оширишда таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш ресурсларни самарали бошқариш ҳамда иқтисодий манфаатдорликни оширишда катта аҳамият касб этади. Чунки корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташки омилларни олдиндан таҳминлаш, уларни истиқболли ривожлантириш бўйича самарали бошқарув қарорларни қабул қилишда информацион ва назарий асосни яратиш каби муаммолар корхоналар фаолиятида иқтисодий таҳлилнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда назоратни ташкил этишини талаб қиласиди. Аудитор хўжалик субъектларида молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисботлар юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари сифатини оширишда таҳлилий амалиётдан самарали фойдаланиш лозим.

Иқтисодчи олим К.Б.Аҳмаджоновнинг фикрича: “Корхоналарнинг жорий йилга оид молиявий ҳисбот кўрсаткичларини фоиз ва нисбат қўринишида аввалги йилги ҳисботлар, статистик ва бюджет кўрсаткичлари билан солиштириш таҳлилий амалиёт” [4] дейилади. Таҳлилий амалиётлар “Таҳлилий амаллар” деб номланган 13-АФМСга асосан қўлланилади. Режалаштириш мақсадларида қўлланилганда таҳлилий амалиётлар аудитор учун мижоз молиявий фаолиятининг хусусиятларини ўрганиш имконини беради. Шунингдек, сезиларли ўзгаришлар келганда, хато сальдога эга бўлган счетларни аниқлаш мумкин бўлади. Бундай ҳолда аудитор текширув жараёнида айнан шу муаммоли

нұқталарға катта эътибор қаратиши орқали юқори сифатли аудит текширувани үтказиши мүмкін бўлади. Демак, таҳлилий амалиётлар аудитни режалаштириш жараёнида аудит рискини баҳолашда энг муҳим бўғинларидан бири бўлиши лозим. Чунки аудиторлик рисклари таркибида энг асосий кўрсаткич бу - аниқланмаслик риски ҳисобланади. Мазкур риск даражасининг ошишига таъсир қилувчи омиллардан бири эса таҳлилий амаллардан фойдаланмаслик ҳисобланади.

Таҳлилий амаллар, шунингдек, субъект фаолиятига асосланган масалан, ялпи фойданинг фоиз нисбати, истиқболли намунага мувофиқ бўлиши кутилаётган молиявий маълумотлар элементлари ўртасидаги ҳамда молиявий маълумот, тегишли равища молиявий тавсифга эга бўлмаган маълумот ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқади. Халқаро амалиётда таҳлилий амалларнинг кўплаб усууллари ишлаб чиқилган. Бу усууллар корхонаниң қисқа муддатли ликвидлиги, тўлов қобилияти, даромадлилиги каби бир қатор кўрсаткичларни аниқлашга қаратилган. Бу кўрсаткичлардаги ўзгаришларнинг аниқланиши ва шу ўзгаришларга олиб келган омилларнинг таҳлил қилиниши аудиторга молиявий ҳисботнинг айнан қайси элементларига кўпроқ эътибор бериш ва тест интенсивлигини кучайтириш лозимлигини кўрсатади. Хозирда аудиторлар томонидан қўлланиладиган таҳлилий амалларни қуйидаги гурухларга ажратиш мүмкін: даромадлилик таҳлили, қисқа муддатли ликвидлилик таҳлили, Узоқ муддатли тўлов қобилияти таҳлили.

Иқтисодчи олим А.Х.Шоалимовнинг фикрича: “Таҳлилий кўрсаткичларни аниқлаш ва унинг ўзгаришларини қиёсий таққослаш асосида хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини аникроқ ўрганиш, билиш имкони туғилади [10]. Иқтисодий таҳлил этишда албатта қатор кўрсаткичлар тизимидан ва таҳлил усуулларидан фойдаланилади. Молиявий натижаларни аудиторлик текшируви корхона молиявий натижаларини шаклланиши ва тақсимланишини текшириш, таҳлилий кўрсаткичларни баҳолашдан бошланади.

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [1] қабул қилинди. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши албатта аудиторлик текширишларнинг сифатини янада яхшилаш имкониятини яратди. Мазкур қарорни қабул қилиниши эса хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда уларнинг фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо қиласи. Шу боисдан ҳозирги кунда уларнинг молиявий натижаларини шакллантириш, уларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш услубиятини тақомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпгина иқтисодий адабиётларда соғ фойдани аниқлаш ва тақсимлаш аудити ҳамда аудит текширувлари жараёнида далиллар тўплаш ва натижаларини умумлаштиришнинг услубий масалалари эътибордан четда қолмоқда. Молиявий натижаларга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили анъанавий усуулларни қўллаш билан чегараланиб қолган ва кўп омилли таҳлил, шу жумладан, омиллар қийматини занжирли кетма-кет қўйиш усули билан фойда ва рентабелликни чуқурлаштирилган таҳлил қилиш ҳамда уни аудитда қўллаш имкониятлари очиб берилмаган. Аудиторлик амалиётида хўжалик субъекти фаолиятига баҳо бериш ва таҳлил этишда бир қатор аналитик жараёнлар амалга оширилади. Бу жараёнларнинг асосий

манбаси сифатида бухгалтерия (молиявий) ҳисботи маълумотлари олинади. Бизнесдаги ҳолат ва унинг келгусидаги ривожини прогнозлаш юзасидан шунингдек, статистик, макроиктисодий ва тармоқ қўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ҳам амалга оширилади. Шу билан бир қаторда хўжалик субъектларида бу борада иқтисодий таҳлилдан бошқарувнинг энг муҳим дастаги сифатида қаралади. Хўжалик субъектлари аудитида улар фаолиятини баҳолашда иқтисодий таҳлилдан фойдаланиш албатта: хўжалик субъектларининг молиявий ҳисботларини тузиш ва уларга тушунтиришлар беришда; молиявий ҳолатини баҳолашда; иқтисодий ночорлик (банкротликка карши) бошқарув ҳисботини тайёрлашда; бизнесини реструктураизация қилишда; молиявий соғломлаштиришда; мулкий муносабатларини тартибга солишда қўл келади. Аудитда иқтисодий таҳлилдан фойдаланишнинг ягона методикаси шу пайтга қадар яратилмаган. Шу сабабли, ҳар битта аудитор ўз амалий тажрибасидан, мақсадидан, хўжалик субъективининг фаолият ва бошқарув хусусиятларидан, ахборот манбаларининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида методик ишланмалардан фойдаланадилар. Шу боисдан ишда хўжалик субъектлари молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисботи юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви жараёнида молиявий натижага қўрсаткичларини омилли таҳлили усули тавсия қилинди. Чунки, омилли таҳлил қилиш асосида уларнинг молиявий ҳолатига аниқ ташхис қўйиш имкони туғилади. Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича субъектда соғ фойда ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар миқдори аниқланди, керакли амалий тавсиялар берилди. Тавсия қилинган молиявий натижаларни омилли таҳлил усулини корхонанинг амалий фаолиятида қўлланилиши натижасида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатини олдини олиш, иқтисодий салоҳиятни кўтариш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда аудиторлик текшируви сифатини ошириш имкони бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори. 2018 йил 19 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Маҳкамасининг 1013-сон қарори. 2018 йил 14 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сон қарори. 2015 йил 28 июль.
4. Аҳмаджонов К. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт, 2019.
5. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Т: Иқтисодиёт, 2019.
6. Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. Дарслик. . –Т.: Иқтисодиёт, 2018.
7. Донцова Л.В., Никифорова Н.А. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности. Практикум. –М.: Дело и сервис, 2018.
8. Шоалимов А.Х., Илхомов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит.

- Дарслик. – Т.: Сано-стандарт, 2017.
9. Пардаев М.К. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Print Line Croup, 2017.
 10. Шоалимов А.Х., ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.:Лессон-пресс, 2016.
 11. Подольский В. И., Савин А.А. Аудит. Учебник. –М.: Юрайт, 2014.
 12. Илхомов Ш.И. Амалий аудит. Дарслик. –Т.:Иқтисодиёт. 2012.
 13. Ilxamov Sh., Xodjayeva M., Bababekova G. Financial statements of the enterprise for use of higher efficiency internal audit analysis. Interciencia Journal (ISSN: 0378-1844). CARACAS, VENEZUELA. 2019. <http://intercienciajournal.com/index.html>.
 14. Tadjibayeva Sh., Xamidova S .Main Aspect of the Analysis of Business Activity in The Conditions of Economic Development. International Journal of Research in Management & Business Studies, Vol. 8 Issue 10. India. 2019.
 15. Xasanov B., Eshboyev U. Calculation of the capital sensitivity invested in the financial stability process. Indo Asian Journal multi disciplinary research. 2019. www.jpsscientificpublications.com/journals/browser.php